


БИОСФЕРА.
БИОСФЕРАНИНГ
ЭКОЛОГИК
МУАММОЛАРИ



Биосфера

- Биосфера юнонча сўз бўлиб, “Био” – ҳаёт, “сфера” – шар , яъни ҳаёт шари деган маънони англатади. Биосфера терминини биринчи бўлиб фанга Австрия олими Фридрих Зюс 1900 йили киритган.

Биосфера қуйидаги функцияларни бажаради:

- *Биосфера доимо фотосинтез
жараёнига асосланиб, доимо
тирик организмларни ҳосил
қилади.*

- *Ҳарорат, босим, намлик ва бошқа физик-кимёвий жараёнларга асосланиб, иқлимни ҳосил қилади ва тирик организмларнинг ўсиши ва ривожланиши учун барча шароитларни ўзаро муносаб равишда вжудга келтиради.*

- Биосфера вақти-вақти билан термодинамик ва гидродинамик жараёнларни қўллаб-ўзини тозалаш қобилиятини номоён этади

Абиотик омиллар

- бу тирик организмга билвосита ёки бевосита таъсир этувчи атропо муҳит омиллари – кимёвий, физик, географик, ва иқлимий турларга бўлинади.

Биотик омиллар.

- Барча тирик мавжудотлар – ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмларни организмга кўрсатган таъсири биотик омил деб юритилади. Биотик омиллар антогонистик ва ноантогонистик шаклларда бўлиши мумкин.

- Тирик организмларни ўраб турадиган, унинг ҳолатига, ривожланишига, кўпайишига таъсир этувчи атроф муҳит омиллари **экологик** омиллар деб юритилади. Атроф муҳитнинг организмга таъсир этувчи омилларини абиотик, биотик ва антропоген каби омилларга ажиратиш мумкин.

Бугунги кунда биотик омилларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1. Симбиоз (лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида хамжиҳатлик, бирга яшаш деган маънони билдиради) – бунга турли синфга оид бўлган тирик организмларнинг ўзаро манфаатли, лекин шарт бўлмаган муносабатлари.

- 2. Мутуализм бунга турли синфга оид бўлган тирик организмларнинг ўзаро манфаатли, лекин шарт бўлмаган муносабатлари киради. Масалан бу муносабатларга ўсимлик гуллари чангларининг турли ҳашорот ва қушлар томонидан тарқалиши киради.

- 3. Комменсализм (лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида иттифоқ деган маънони билдиради) бунга турли синфга оид бўлган тирик организмларнинг шундай муносабатлари кирадики, бунда бири учун манфаатдор бўлса, иккинчиси учун бу муносабатларнинг фарқи йўқ. Масалан, майда ҳайвонлар ва қушлар йирткич ҳайвонларнинг қолдиғи билан озиқланиши мисол бўла олади.